ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ – ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАРДА

Р.Т.Шамсутдинов, А.Ахунов

Мақолада Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар давлат архиви (РГАСПИ)дан олинган Ўзбекистон тарихига доир 3 та муҳим ҳужжат қисқача шарҳланган ва улар асосида советларнинг қатағон сиёсатининг айрим оқибатлари очиб берилган.

***Калит сўзлар:** ОГПУ, мадраса, мударрис, талаба, ижтимоий таркиб, миллий таркиб.*

В статье даётся краткий обзор относящихся к истории Узбекистана трех важных документов, хранящихся в Российском государственном архиве социально-политической истории, и на их основе показаны последствия советской репрессивной политики в нашей республике.

***Ключевые слова:** ОГПУ, медресе, мударрис, талаба, социальный состав, национальный состав.*

On the basis of three important archival documents taken from the Russian governmental social-political offices, the author tries to explain shortly those facts and some results of soviet policy of victims of repression.

***Key words:** OGPU, madrasah, teacher, mullah-students, social structure, national structure.*

Ислом Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли янги асарида, кўпгина чиқишларида тарихчиларга қарата – сизлар олим бўлсангиз, тарихни, тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини тушунтириб беринг, болаларимиз, албатта, ҳақиқатни билиши керак, вақт ўтади, замон ўтади лекин ҳақиқат барибир қолади деб кўрсатиб шундай ёзади: “Мен мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзинглар деб, тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қиламан. Ўша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамоқда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар зарур”[1].

Мустақиллик йилларида чор Россияси ва совет мустамлакачилиги давридаги тарихимизнинг оғриқли саҳифалари – коллективлаштириш, қулоққа тортиш, деҳқонларни сургун қилиш, 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон ва унинг оқибатларини акс эттирувчи қатор архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари нашр этилди. Архив ҳужжатларини ўрганиш, уларни илмий муомалага киритиш эса, маълумки, ҳаққоний тарихни яратишнинг бирламчи шартидир. Шуни назарда тутган ҳолда биз Москвадаги Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи давлат архиви (РГАСПИ)дан олинган, ҳозиргача илмий истеъмолга киритилмаган ноёб ҳужжатлардан атиги учтасинигина қисқача шарҳлашни мақсад қилдик. Улардан биринчиси ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Доимий вакиллиги раиси Л.М.Бельский 1929 йил 16 январда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленскийга юборган “Ўзбекистондаги шаҳар мадрасаларининг аҳволи тўғрисида”ги докладидир. Ҳужжат машинкада босилган 5 саҳифадан иборат бўлиб, унда мадрасаларнинг 1928 йил 1 декабргача бўлган ҳолати кўрсатилган.

Унда айтилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистондаги таниқли мадрасалардан бир қисми ёпилган, бунинг сабаби мадраса талабаларининг турли жойларга тарқалиб кетиши ва бойлар томонидан хомийлик қилиш тўхтаб қолганидир. Мадрасалар биноларининг бир қисми қайта жиҳозланиб совет мактабларига айлантирилди, бир қисми жамоат ташкилотларига, яна бир қисми фуқароларга турар жой қилиб берилди.

1926 йилда Тошкент Эски шаҳар ижроқўми диний таълимни регламентлаштириш бўйича чиқарган қарорга асосан Тошкентда биронта ҳам мадраса қолмаган. Кўзга кўринган мударрислардан Шомуҳиддин Охун, Исохон Аълам, Шомий домла ўз уйларида норасмий тарзда талабалар билан машғулот олиб бораётгани маълум. Бу 3 мударрисдан 30 га яқин болалар таълим олмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўзбеклар, 12 нафари оддий имомлар, Манкент ва Сайрамдан 2-3 қозоқ болалари бор. Булардан ташқари яна 2-3 мулла ҳам ўз уйларида 20 га яқин талабани ўқитмоқда, уларнинг ўртача ёши 20 дан 35 гача.

Самарқандда биронта ҳам мадраса фаолиятда эмас. Фақат 7 мударрис ўз уйида Самарқанд округининг узоқ районларидан келган 30 та талабани ўқитмоқда, улардан 23 нафари ўзбек, 7 нафари тожик. 1925 йил ноябрида Самарқанддаги мударрисларда 800 та, 1926 йилда 400, 1927 йилда 175, 1928 йилда 25 талаба ўқиган. Демак, талабалар сони йилдан-йилга қисқариб борган. 1929 йилда янги талабалар қабул қилинмаган, аввал ўқиганлари кетиб қолган.

Қўқон мадрасалари ҳолати бутунлай бошқача бўлган: 6 та мадрасада машғулот олиб борилган. 1927-1928 ўқув йилида 400 нафар талаба ўқиган, улардан ўзбеклар 238, тожиклар 59 нафар, қолганлари қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқлар бўлган. Талабаларнинг ўртача ёши 15-40 ёш, улардан 135 нафари Фарғона округининг турли районларидан, 105 киши шаҳардан, қолган 75 киши Ўрта Осиёнинг турли республикаларидан бўлган. Талабаларнинг ярмидан кўпи ҳеч қандай ҳақ тўламай мадраса турар жойида яшаган, қолганлари қатнаб таълим олган. Мадрасаларнинг энг катта ва обрўлиси "Баковул" мадрасаси бўлиб, унда 75 талаба таҳсил олган. Бухородан келган таниқли мударрис Боқи хўжа дарс берган. Талабалар ижтимоий таркиби савдогарлар, руҳонийлар, ўзига тўқ деҳқонлар ва камбағал деҳқон болаларидан иборат бўлган.

Марғилонда 13 та мадраса бўлиб, уларнинг бир қисми ярим вайрон ҳолда, талабалар сони 174 киши, уларнинг барчаси ўзбеклар бўлган. Шундан 54 таси ижара тўламай ўқиган, қолганлари қатнаб таҳсил олган. Улар орасида округ қишлоқларидан келганлар 71 киши, Марғилон шаҳридан 45 киши бўлган, қолган 58 нафарининг қаердан экани аниқланмаган. Ижтимоий таркибига кўра талабаларнинг 45 фоизи ўртаҳол деҳқон, камбағал ва ҳунарманд оилалардан, қолганлари эса йирик савдогар, бой ва руҳонийларнинг болаларидан иборат бўлган.

Фарғона шаҳридаги битта мадрасада 10 та талаба таҳсил олган, шундан 4 нафари шаҳарлик, 6 нафари қишлоқдан бўлган.

Андижонда ҳам мадрасалар сони кўп бўлган: 11 та мадрасада машғулот олиб борилган. Шаҳар бўйича талабалар сони 218 нафар. Ўтган 1928 йилда талабалар 650 киши бўлган, улардан 185 нафари ўзбеклар, 18 нафари тожиклар, 15 нафари қашқарлик (уйғурлар) бўлган. Талабаларнинг кўпчилиги (112 киши) шаҳардан, 89 нафари округ қишлоқларидан, 17 нафари бошқа округлардан бўлган. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан кўпчилик талабалар бойлар, савдогар ва ўзига тўқ ҳунармандларнинг болалари бўлган. Мударрис Шамсутдин Тўра 19 талабага ўз уйида дарс берган, талабаларнинг ўртача ёши 16-40 ёш бўлган.

Наманганда 3 та мадрасада дарс олиб борилган, талабалар 20 кишидан иборат бўлган, 11 та шахс ўз уйларида 339 кишига таълим берган. Жами талабалар сони 359 киши бўлган, уларнинг барчаси ўзбеклар, 344 нафари шаҳарда яшаган, 15 нафари қишлоқдан бўлган. 1927 йилда Наманган мадрасаларида 200 талаба, 1928 йилда 359 нафар талаба таҳсил олган. Талабалар сони кўпайиб боргани сабабларидан бири Наманганда таниқли 2 мударрис – эшон Муҳаммадхон Тўра ва Собитхон Тўраларнинг вафот этишлари билан бу икки мударрисниг энг яқин шогирдлари ўз уйларида талабаларни ўқитишни йўлга қўйдилар. Натижада юқорида зикр этилган икки мударрис ўрнида 7 та мударрис талабаларга таълим бериш билан машғул бўлди. Наманган талабаларининг ижтимоий таркиби Андижондаги талабалар таркиби билан деярли бир хил бўлган.

Бухорода аввалларида 200 га етиб мадрасалар бўлган, Ўрта Осиё, ҳатто чегарадош мусулмон мамлакатларнинг бирон-бир шаҳрида Бухородагидек кўп мадраса бўлган эмас. Бухоро советлаштирилгач, мадрасаларнинг умумий миқдори кескин камайган. 1928 ўқув йилида биргина Мир Араб мадрасаси фаолиятда бўлди, 2-3 мударрис ўз уйида 30 нафаргача талабаларга дарс бериш билан шуғулланди. Мир Араб мадрасасида 1928 йил 1 ноябрида 50 та талаба таҳсил олган. Улардан 24 нафари қозоқ, 13 нафари ўзбек, 7 нафари тожик (Қулоб), 3 нафари афғон, 2 нафари татар, 1 нафари уйғур миллатига мансуб бўлган, маҳаллий ўзбеклардан фақат 2 нафар шофирконлик бўлган. 1927 ўқув йилида Мир Араб мадрасасида 125 нафар талаба ўқитилган, уларнинг деярли ҳаммаси Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидан бўлган. Талабалар оқими 1928 йилда ҳам кучли бўлган. Кўрилган чоралар туфайли мадраса пароканда бўлиб, қолган 50 талаба ҳам тарқалиб кетган. Бухорода талабаларга дарс бериш имконияти йўқлигидан бухоролик мударрислар Фарғона, Зарафшон, Хўжанд ва бошқа округларга кетиб қолган. Машҳур мударрис Боқи хўжа Қўқонга кетиб, у ерда мударрислик қила бошлади. Йирик мударрис Асвад Махсум Каттақўрғон районига, домла Жалол ҳам бошқа районга кўчиб кетди.

Қашқадарё округидаги шаҳарларда 40 та мадраса бўлиб, шундан 5 таси Шаҳрисабзда бўлган. Улардан 13 таси масжидга мослаштирилган, 22 таси турли хил давлат ва маърифатчилик муассаса ва ташкилотларига бериб юборилган. Шаҳрисабздаги 5 та мадрасада округнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларидан келган 30 нафар талабалар бўлган, уларнинг ҳаммаси ўзбек миллатига мансуб. Беҳбудий шаҳрида 2 мударрис ўз уйида 20 та маҳаллий ўзбек талабаларини ўқитган. Каттақўрғондаги битта мадрасада маҳаллий ўзбеклардан 10 киши ўқиган. Хўжанддаги мадрасада ўқиш олиб борилмаган, бир неча мударрис талабаларни ўз уйида ўқитган.

Хоразм бўйича маълумот йўқ. Шундай қилиб, доклад тайёрланган вақтда Ўзбекистон шаҳарларида 40 та мадраса фаолиятда бўлган. Уларда жами 817 нафар, мударрисларнинг уйларида яна 488 нафар, жами 1305 талаба таҳсил олган. Фарғона ва Андижон округлари шаҳарларида 1095 талаба таҳсил олган, 34 та мадраса ишлаб турган. Талабалар миллий таркибида ўзбеклар 1161, тожиклар 84, қозоқлар 44, уйғурлар 16 киши бўлган.

Ижтимоий келиб чиқишига кўра талабаларнинг кўпчилигини ўзига тўқ бойлар, савдогарлар, руҳониёт, йирик деҳқонларнинг болалари ташкил этган. Талабаларнинг 780 нафари шаҳарлардан, 525 нафари қишлоқлардан ва бошқа округлардан бўлган. Талабаларнинг ёши 20 дан 35 ёшгача бўлган.

Докладда Фарғона ва Андижон округларида руҳониятнинг эскилари ўрнини эгаллайдиган янги кадрлар тайёрланаётганига урғу берилади. Бошқа ҳудудлардаги мадрасаларда талабалар миқдори пасайиб боргани ҳолда Андижон ва Фарғонадаги талабалар миқдори бир маромда экани камчилик сифатида кўрсатилган. Мадрасаларнинг бу ҳолати партия ва совет органлари томонидан жиддий иш олиб борилмаётгани деб уқтирилган. Шунингдек, доклад муаллифи ўтган йил ёзги мавсумда Андижонда мадрасалар расман ёпилгани, бироқ бунинг аниқ регламентацияси йўқлиги ва мадрасалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганини айтади. Яна Халқ Маорифи комиссарлиги мактаб ёшидаги болаларни ўзининг мактаб тармоғига тўла жалб этолмаганига урғу берилган. Н.Бельский хулоса қилиб, мадраса масаласини радикал ҳал қилиш керак эмас, чунки мадраса мактаб ёшидагиларни қамраб олмаган, уларда саводхонлик ўргатилмайди, балки саводли кишилар “муқаддас китоблар”ни ўрганишади. Ушбу фактлар мусулмон илоҳий таълим ўчоқларига айланган Фарғона ва Андижон округларида жиддий иш олиб борилмаганлиги оқибатида руҳониятга интилиш Бухоро ва Самарқандга нисбатан кучлилигини кўрсатмоқда. Бу руҳонийлар нафақат шаҳарда, ҳатто қишлоқда ҳам мустаҳкам ўрнашиб қолмоқда [2].

Юқорида мазмуни шарҳлаганимиз каби куч ишлатиш органлари тақдим этган маълумотлар асосида 1929-1934 йиллардаги қулоққа тортиш кампаниясида масжид ва мадрасаларнинг собиқ мударрислари, имомлари, ҳатто улар қўлида ўқиган талабаларга нисбатан ҳам қатағон сиёсати олиб борилган. Яъни ушбу ҳужжат руҳонийларга қарши 30-йиллардаги қатағон сиёсати пухта режалаштирилиб, унга олдиндан тайёргарлик кўриб борилганини далиллайди.

Иккинчи ҳужжат “ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон КП МКнинг ёппасига коллективлаштиришни амалга ошириш тўғрисидаги маърузаси бўйича қабул қилган қароридир. Унда ВКП(б) МКнинг 1930 йил 6 январдаги директив кўрсатмасида белгиланганидек, миллий районларда коллективлаштириш аста-секинлик билан, шошилмасдан, сунъий жадаллаштирмасдан, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб иш кўриш ҳақидаги кўрсатмасига амал қилинмагани туфайли бир қатор салбий ҳолатлар юз бергани кескин танқид қилинган [3]”. Фоиз ва рақамлардаги кўрсаткич, эрта бажариш – биринчилик ортидан қувиш натижасида коллективлаштириш юзаки амалга оширилгани, кўрсаткичлар ошириб берилгани аниқланган. Қарорда Ўзбекистон бўйича коллективлаштиришнинг 47,2 фоиз, жумладан, Андижон округида – 57,3, Тошкент округида – 57,5, Қўқон округида – 49,6, Сурхондарё округида – 57,1, Самарқанд округида – 51 фоиз ўтказилгани сиёсий хато деб кўрсатилди.

1930 йил 1 январгача кўп жойларда коллективлаштириш 3,4 фоиз ўрнига 10 фоиз миқдорида бажарилган. Бунда колхозчилик ҳаракати сунъий жадаллаштирилган, зўравонлик, бузилишлар, маъмурий-буйруқбозлик, қишлоқ хўжалигида якка хўжалик секторининг аҳамиятини тўғри баҳоламаслик, ўртаҳол деҳқон билан иттифоқ тузиш тамойили бузилгани кўрсатилган. Асосий хато сифатида коллективлаштириш асосида қулоқларни тугатиш ўрнига қулоқлаштириш орқали коллективлаштиришни ўтказиш сиёсатининг қўлланган кўрсатилган. Коллективлаштиришдан кўра деҳқонларни қулоққа тортиш, уларнинг мол-мулкини мусодара қилиш, ўзларини қамоққа олишга асосий эътибор берилган. Қарорда бундай хато ва қинғайишларнинг сабаблари кўрсатилган бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) Ўзбекистоннинг иттифоқнинг илғор районларига қараганда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қолоқлиги, айрим районлардаги ҳар хил ижтимоий-иқтисодий шароитлар, ўртаҳол деҳқонлар оммаси коллективлаштиришга тайёр эмаслиги, бойларнинг ўртаҳол ва камбағал деҳқонларга таъсири кучлилиги, батрак-камбағаллар уюшқоқлик даражаси ҳисобга олинмагани; 2) қишлоқ партия ва совет органларининг заифлиги, округ партия ташкилотлари томонидан уларга раҳбарлик қилишнинг яхши йўлга қўйилмагани, коллективлаштириш баҳорги экиш кампанияси, қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотларини кўпайтириш вазифалари билан боғлаб олиб борилмагани, экиш кампаниясида индивидуал секторнинг аҳамиятига эътибор берилмагани; 3) қишлоқ хўжалиги банки якка хўжаликларга кредит беришни тўхтатиб қўйилгани, якка хўжаликларга қишлоқ хўжалиги инвентарлари берилмагани, колхозлаштиришдаги ихтиёрийлик тамойиллари бузилгани; зўрлаш, қўрқитиш, ҳибсга олиш усуллари қўлланган, қулоқларга қарши кураш бўйича партия директиваси бузилгани, бунинг натижасида бойларнинг ўртаҳол ва камбағаллар оммасига таъсири кучайиб боргани.

Бундай ҳолат қишлоқда сиёсий норозиликни юзага келтирган. Қишлоқларда деҳқонларнинг оммавий ғалаёнлари, норозилик чиқишлари, колхозларнинг бузилиши, колхозга кирувчилар рўйхатларини йўқ қилиш, муҳожирликка чиқиб кетиш, чорва молларини йўқ қилиш каби ҳолатлар юз берган. Бу ҳолатлар ОГПУнинг “Республикаларда коллектив-

лаштириш билан боғлиқ деҳқонларнинг оммавий чиқишлари масаласи бўйича маълумотнома”сида акс этган. Жумладан, 1930 йил 1-15 февраль кунлари Фарғона округида 3 та ғалаён бўлиб, уларда 1850 киши; Қашқадарё округидаги битта ғалаёнда 30 киши, Хоразм округидаги битта ғалаёнда 100 киши қатнашгани, шу ҳудудларда 15-20 февраль кунлари 15 та ғалаён бўлиб, уларда жами 6120 киши қатнашгани қайд этилган. Бундай чиқишлар март ойида юқори даражага кўтарилган. 1-5 март кунлари 45 та ғалаён бўлиб, уларда 17 365 киши қатнашган. 1936 йил 6-15 мартда Фарғона округида 45 та ғалаён бўлиб, уларда 221 485 киши қатнашган. Қарорда коллективлаштиришни ўтказиш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган. Хуллас, мазкур қарор ва унинг мазмуни Ўзбекистонда колхозлаштириш амалиётини тўғри тасаввур қилиш учун муҳим аҳамият касб этадиган ҳужжатдир.

Учинчи ҳужжат ВКП(б) МК секретари А.А.Андреевнинг Сталинободдан 1937 йил 3 октябрь соат 1645 да Москвага – ВКП(б) МКга, Сталинга юборган шифровкасидир. Уни айнан келтирамиз: “Ўзбекистонда миллий ўзбек дивизияси, Тожикистонда миллий тожик полки жойлаштирилган. Командирлик ва сиёсий таркиб орасидаги антисовет ташкилотлар иштирокчилари тартибли равишда фош этилди. Афтидан Хўжаев, Икромов, Раҳимбоев ва бошқалар бу миллий ҳарбий қисмларга жиддий таянмоқдалар ва бундан кейин Афғонистон, Эрон ва Туркияда ҳам душманлик ишлари олиб боришга уринишлар бор. Бу қисмларни Ўрта Осиёдан Иттифоқнинг Европа қисмига кўчириш тўғри бўлса керак. Андреев. [4]” Шифровкага Сталин шундай резолюция қўйган: “Ўрт. Ворошиловга. Андреев сигнал бермоқда. Тошкентда ва Сталинабодда рус қисмлари қолдирилса, миллий қисмларни дастлабки тозаловдан ўтказиб, бошқа яқинроқ жойга кўчириш яхши бўлса керак” [5]. Шу кўрсатма билан ўзбек ва тожик қисмларида тозалов ўтказилди, кўплаб миллий ҳарбий ходимлар қатағон тиғига тортилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Т., 2015.- 302 б.
2. РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат, 1725-иш. 89-93 варақлар.
3. РГАСПИ 62-фонд 1-рўйхат, 651-иш, 38-44 варақлар
4. РГАСПИ (РССТДА)- Российский государственный архив социально-политической истории. 558-фонд, 11-рўйхат, 65-иш, 87-варақ; ЦК ВКП(б) и национальный вопрос. Книга 2.- М., 2009.- С. 86.
5. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан.- Т.: Sharq, 2012.- 195 б.

Андижон давлат университети,
2015 йил 7 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)